

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА- ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ


“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси
РАНГЛАР “Ахроматик уйғунлик” мавзуларидаги
композицияларга клаузураларни бажариш

бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

5340100-“ Архитектура(турлари бўйича)”

**5341000- “Қишлоқ ҳудудларини архитектура-
лойиҳавий ташкил этиш” йўналишлари бўйича**
таълим олаётган талабалар учун



САМАРҚАНД 2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси

Институт илмий-услубий
кенгашида муҳокама қилинган
ва нашрга рухсат берилган.
Рўйхатга олинди: _____
Протокол № _____
« ____ » _____ 2018йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Институт илмий-услубий
кенгашининг раиси
т.ф.н.,доцент А.Рахимов

« ____ » _____ 2018йил

**АРХИТЕКТУРАВИЙ КОМПОЗИЦИЯ ВА ЛОЙИХАЛАШ
АСОСЛАРИ” ФАНИДАН**

**РАНГЛАР “Ахроматик уйғунлик” мавзуларидаги
композицияларга клаузураларни бажариш бўйича**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

5340100 -“ Архитектура(турлари бўйича)” ва
534 1000- “Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий
ташкил этиш” ихтисослиги бўйича таълим олаётган
талабалар учун

САМАРҚАНД -2018

Услубий кўрсатмада “Архитектуравий композиция ва лойихалаш асослари” фани бўйича бажариладиган композиция воситаларидан ранглар “Ахроматик уйғунлик” мавзусидаги композицияга клаузураларни бажаришни ўрганиш бўйича қоидалари, лойиха чизмалари, умумий тушунчалар, уларнинг турлари ва усулларидан фойдаланиш кўрсатилган.

Кўрсатма олий ўқув юртларида “Архитектура”, Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойихавий ташкил этиш” таълим йўналишлари бўйича таълим олаётган талабалар, мутахассислар ва шу соҳага қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Тузувчи: **Исламова Дилноза Ғайратовна** – “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедра катта ўқитувчиси
Тағашарова Каромат Мардоновна-“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедра катта ўқитувчиси

Тақризчилар: **А.С.Уралов** “Архитектуравий лойихалаш” кафедраси профессори
Д.З.Камалова «Архитектура назарияси ва тарихи» кафедраси доценти.

Услубий кўрсатма “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси (Баённома № “___” _____ 2018) ва СамДАҚИ Архитектура факултетининг илмий-услубий кенгашида (Баённома № “___” _____ 2018) кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Кириш

Ранглардан ва уларнинг турларини ўрганиш, тўғри фойдаланиш усуллари “Архитектура” ва Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш” йўналишлари бўйича таълим олаётган талабарининг етук мутахассис бўлиб етишишида муҳим роль ўйнайди. Талабарининг архитектуравий объектлар учун қўлланиладиган рангларни билиши ва бўяш техникасини ўрганиши, келажакда замонавий архитектура объектларини яратишда, шаҳарсозликда, ландшафт архитектурасида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Рангларни ўрганишда эса бизлар албатта композиция воситаларига мурожат қиламиз.

Ранглар тўғрисидаги дастлаби маълумотлар қадимдан пайдо бўлган. Масалан, қадимги Миср, Юнонистон ва Римнинг деворий суръатлари, уй жиҳозлари қолдиқларидан инсоният қадимдан рангларнинг уйғунлашуви ҳақида жуда нозик дидга эга бўлганларини кўриш мумкин (1-расм).

Шунингдек Ўрта Осиёда ҳам деворий суръатлар қолдиқларидан аجدодларимиз рангларни куллаш бўйича юқори савияга эга бўлганликларини куриш мумкин. Далварзинтепа ёдгорликлари намуналарида ҳам рангтасвир безакларини ишлашда оқ, қора, қизил ва пушти ранглардан кенг қўламда фойдаланилган.



1-расм. Қадимги деворий суръатларда рангларнинг қўлланиши.


Ранглар ёруғлик билан боғлиқ бўлган турли нурлардан иборат эканлиги одамлар онгида аста-секин рамзий характерга эга бўла бошлаган. Масалан: қоронғу – кора, сариқ – қуёшга, қирмизи – лоладек ёки қонга, мовий – осмондек, оқ фариштадек ва ҳоказо кабиларни мисол қилишимиз мумкин. Ранг тизими билан дастлаб фалсафа фани кейинчалик табиий ва техник фанлари шуғуллана бошлаган.

Кейинчалик хилма-хил фанларнинг ривожланиши жароёнида ранг тушунчаси ва унинг илмий асосланишига талаб ортди, натижада ранг таълимоти вужудга келди. Рангнинг тарихий ривожи аввало инсониятнинг физиологик хусусиятлари билан кучли боғлиқлиги ва инсоннинг ҳиссий кайфияти ўзгаришида муҳим рол уйнашини кўришимиз мумкин.

Ранг ва ёруғликнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги дастлабки назарий асарлар антик Юнонистонда яратилди. Ёруғлик ва қоронғулик, оқ ва қорани қарама-қарши қўйиб улар ўртасида ҳамма ранглар мавжудлигини пайқаганлар. Масалан Аристотель кўз ва жисм оралиғидаги (шаффоф) муҳит аҳамияти ҳақида айтган эди. Демокрит эса жисмларнинг образини кўзда яратувчи ёки шакллантирувчи атомлар мавжуд дейди.

Эвклит кўздан “Кўриш нурлари” тарқалиб ташқи дунё жисмларини қамраб олиб уларнинг образини акс эттиради деб тушунтиради. Ньютон ўзининг илмий пойдеворини яъни оптик призма орқали хосил қилган ранг йулакларини яратиб бундай ноилмий қарашларга чек қуйди. Нютоннинг бундай ихтироси бизни рангларнинг физик табиати ҳақида аниқ тасаввурга эга қилди.

Буюк немис шоири, гуманист ва олим Иоганн Вольфганг Гете (1749-1832 й.й.) "Ранг ҳақида таълимот" асарини яратди. Бу асарда рангни одам организмига таъсири оқибатида содир бўладиган руҳий (эмоционал) ўзгаришлар, ҳар бир рангни ўзига хос руҳий ҳолат кўзғовчи кучга эгаллиги алоҳида таъкидланади. Филип Отто Рунге (1777-1810) Гётенинг замондоши, романтизм даврининг буюк рассоми, ранг таълимотига катта ҳисса қўшган.



2-расм. Рунге рангли ҳажмининг схематик тасвири.


Рунге рангларнинг жойлашув системасини асослаш учун глобусни эслатовчи шар тартиби ҳақидаги таклифни киритди. Экватор чизиғи бўйлаб ранг доирасидаги тоза рангларни, шимолий кутбда оқ ва жанубий кутбда қора рангларни жойлаштирди. Меридианларида эса оқ ва қора рангларни тоза рангларга қўшиб борди (2-расм).

Бу билан рассом оқ ва қора ранглар қўшилмасидан келиб чиқадиган ранглар мажмуасига эришди. У тарихда биринчи марта рангларни фазовий бўшлиқда жойлашишига, асосланиб, улардан эстетик, бадий тарзда фойдалана олди. Рунге рассом сифатида ёрқин рангларга кул ранг (ахроматик) қўшиш билан уларни хиралаштириб, ранг перспективасига эришиш масаласи билан шуғулланган эди.

Немис табиатшунос олими Герман Людвиг Гельмгольц (1821-1894 й.й.) икки нурни - бирини устига иккинчисини қўшиб йўналтириб, улар тушган юза алоҳида тушган нурга қараганда ёруғроқ бўлганини ҳамда бир неча рангли нурлар бирга қўшиб йўналтирилганда яна оқ нурга айланишини очиб берди (3-расм).

Бу жараёни у "аддитив аралашма" деб номлади. Кейинчалик Гельмгольц қизил ва кўк пигментларни аралашмаси юзага тушадиган нурнинг бир қисмини ютишини айтди. Бу ҳолни у "субтракция" деб, пигментларни аралашмасини эса "субтрактив аралашма" деб атади. Бу тажрибалар асосида у хилма хил

аралашмаларга илмий асос яратди. Гельмгольц рангларга аниқ ҳарактеристика бериш учун учта ўзгарувчан компонент: ранг тони, рангни тўйимлилиги ва ранг ёркинлиги (оч-тўқлиги) танлади. Колорометриянинг бу янги принципи 1931 йилда Ёритиш бўйича халқаро комиссия (МКО) томонидан маъқулланиб, ўлчов бирлиги сифатида қабул қилинди.




3-расм. Икки нурни - бирини устига иккинчисини қўшиб йўналтирилганда яна оқ нурга айланишини очиб беради.

Ранг таълимотини ўрганар эканмиз асосан физикавий асосларга таянамиз яъни ёруғлик қандай пайдо бўлади, ёруғлик нима, ёруғликнинг тарқалиши, нурларнинг бўлиниши ва ҳоқозо. Биз ёруғлик ёритган ранглар орқали мавжуд ҳамма предметларни форма ва ҳажмларини кўрамиз. Мисол учун қоронғи жойда кўз умуман ҳеч нарсани кўрмаганидек, рангли нарса ҳам кўринмайди. Атрофимизни ўраб турган ҳамма нарса ранглидир. Ёруғлик электромагнит нурланишнинг бир бўлагидир.

Одам кўзи бу нурланишнинг фақат бир қисмини кўради. Қуёш ёруғлиги таъсирида ердаги ҳаёт процесси ҳаракатга келади. Шундай қилиб, қуёш бизнинг асосий табиий ёруғлик манбаимиз бўлиб қолади. Ёруғлик кўплаб чексиз нур дасталаридан иборатдир. Ёруғлик нурларини маълум йўналишида оптик линзалар орқали йўналтириш мумкин. Уларни йиғилган ёки тарқоқ - сочилган тарзда бошқариш маълум мақсадларда бажарилади.

Ҳозирги замонда ижтимоий ҳаётнинг кўп тармоқларида нурлардан кенг кўламда фойдаланилади. Мисол учун архитектурада ёритиш муаммолари илмий асосланган, ёруғлик тарқалиши қонуниятларига таянган ҳолда амалга оширилади. Хусусан, ёруғлик баъзи юзаларга туширилганда синиб, ўз йўналишини ўзгартиради ёки баъзиларга тушганда эса ўша предмет уни тўла ютади ёки уларни тартибсиз ҳолда ўзга томонларга йўналтириб юборади.


Ёруғликнинг турлича синиши оқибатида ҳамда унинг тўлқинларини турлича бўлиши оқибатида экранда ранглар йўл-йўл бўлиб тизилади. Призма ёрдамида ажратилган муайян узунлигидаги ёруғлик тўлқини монохроматик ёки бир турли ёруғлик тўлқини деб аталади. Аксинча узунлиги ҳар хил бўлган ёруғлик тўлқинлари хроматик ёки ҳар турли ёруғлик тўлқинлари дейилади.



4-расм. Ёруғликнинг турлича синиши оқибатида ҳамда унинг тўлқинларининг турлича бўлиши оқибатида экранда ранглар йўл-йўл бўлиб тизилади.

РАНГЛИ ДОИРА ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ

Бу спектр рангларни айлана бўйлаб жойлаштириш имконини беради ва ранг доирасига эришамиз. Табиатда уч асосий ранг мавжуд бўлиб, улар **сарик, қизил ва кўк** ранглардир. Уларнинг бирикуви натижасида турли туслар ҳосил бўлади. Рангларни бир-бирига аралаштириб керакли нозик тусларни ҳосил қиламиз(5-расм).



5-расм. Табиатда уч асосий ранг мавжуд бўлиб, улар сариқ, қизил ва кўк ранглاردир. Уларнинг бирикуви натижасида турли туслардаги ранглар ҳосил бўлади.

Композиция вазифаларини бажариш бўйича, композиция воситаларидан рангли доира вазифаси А3 форматли қоғозга бажарилади ва юқорида келтирилган ҳолда уч асосий рангдан турли тусдаги ранглар ҳосил қилиб рангли доира шаклига келтирилади. Бунда, акварель бўёқларини ишлатиш мумкин. Бажариш тартиби;


1. Учта асосий ранглар (сариқ, қизил ва кўк) алоҳида идишларга тайёрланиб олинади.
2. Ранг тайёрлаш учун унча катта бўлмаган идишчалар керак бўлади.
3. Ўнталарча кичик идишчага фақат бир хил рангдаги сариқ ранг ёки кўк рангни бир оз сув қўшилган ҳолатида солиб чиқилади.

4. Тайёр бир хил ранг сариқ рангли идишларни қаторасига териб қўйилади ва рақамлаб чиқилади. АЗ ўлчамли қоғозга ўнталарча айланачалар чизиб оламиз ва буни ҳам адашмаслик учун рақамлаб оламиз. 1- идишдаги сариқ рангга 1 томчи қизил ранг аралаштирамиз ва ҳосил бўлган ранг аралашмасини 1- айланачани бўяб тўлдирамиз (5-расм).


5. 2- идишдаги сариқ рангга 2 томчи қизил ранг аралаштирамиз ва ҳосил бўлган ранг аралашмасини 2- айланачани бўяб тўлдирамиз. 3- идишдаги сариқ рангга 3 томчи қизил ранг аралаштирамиз ва ҳосил бўлган ранг аралашмасини 3- айланачани бўяб тўлдирамиз. 4- идишдаги сариқ рангга 4 томчи қизил ранг аралаштирамиз ва ҳосил бўлган ранг аралашмасини 4- айланачани бўяб тўлдирамиз ва бу жараён тартибли давом этади бунда, рангларнинг қўшилишида маълум бир тусга келгунча, айланачалар сони, рангли идишларга ҳам боғлиқдир.


6. Юқорида келтирилган тартибли жараёнда бошқа уч рангдан бирида ҳам шундай такрорланади. Масалан, қизил ранг идишларга тўлдирилиб, сариқ ёки кўк ранг томчилари тартибли солиб аралаштирилади ва қоғоздаги айланачаларни бўяб тўлдирилади. Агар сариқ рангга қизил ранг қўшилиб борса, сариқ рангдан бинафша ранггача рангли тусланиш ҳосил бўлади. Агар сариқ рангга кўк ранг қўшилиб борилса, яшил ва охирида бинафша ранг ҳосил бўлади ва ҳоқозо.

7. Ҳосил бўлган ранг доирачаларини бўяшда атрофига бўялиб кетилган бўлса хавотир олманг, доирачаларни каттароқ олган бўлсак унданам яхши, бу доирачаларни ўзимизга ёққан шакл чизиб (барг, стрелга ёки учбурчак) кесиб олиб, рангларни тусланишига қараб, шаклларимизни бир томонга йўналтириб, рангли доира шаклида ёпиштириб чиқамиз. Бу усулни бир неча бор такрорласангиз яхши натижалар чиқади ва уни ҳар хил шаклга келтириш сизнинг ижодий ғоянгизга боғлиқдир.



б-расм. Рангли доирачаларни рақамлаш тартиби.





Бу ранглар доирасидан дарсларда фойдаланиш жуда қулай, бунга биз ҳали қайта-қайта иқроор бўламиз. Ранглар доирасидан барча тусларни диққат билан кузатиб, номини айтишга ҳаракат қилинг. Қизил ва алвонранг ўртасида қизғиш, сариқ ва сариқ-оловранг ўртасида сарғиш оловранг ва ҳокозони тушуниб оламиз.


Рангларни тусланишини табиатда ҳам кўришимиз мумкин.



РАНГЛАР ДОИРАСИ ОДАТДА ИККИГА, ИЛИҚ ВА СОВУҚ РАНГЛАРГА БЎЛИБ ЎРГНАНИЛАДИ.

Илиқ ранглар: Қизил, сариқ, яшил, оловранг ва таркибида шу ранглардан оз бўлсада аралашган барча ранглар киради. Олов ва қуёш ранги ҳақиқатдан ҳам иссиқлик берувчи манбааларни эслатади.

Совуқ ранглар: Кўк, ҳаворанг, кўк-бинафша, кўк-яшил ва буларнинг бирикмасидан келиб чиққан барча рангларга айтамыз. Ҳақиқатдан ҳам, совуқ келтирувчи нарсалар – муз, қор, сув, ой ёруғи ва шу кабилар тасаввуримизда номоён бўлади (7-расм).



7-расм. Илиқ ва совуқ ранглар.

РАНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Ахроматик ва хроматик ранглар

Ранг ўзи нима, унинг қандай хусусиятлари бор? Буларнинг барчасига сабабчи нурлантирувчи қуёш экан. Қоронғуда биз ҳеч қандай рангни кўрмаймиз, рангларни ёруғлик тўлқинлари тушиши биланоқ ҳис қиламиз. Одатда рангни кўриб ҳис қилиш икки гуруҳга бўлинади:

Ахроматик ранглар (қора, оқ, кулранг),

Хроматик ранглар қора, оқ ва кулранг ранглардан ташқари барча ранглар. Ҳар бир рангнинг ўзига ҳос уч хусусияти мавжуд: ранг туслари, оч-тўқлиги ва ёрқинлиги.

Ранг туси. Онгимизда ранг туслари бизга таниш бўлган нарсалар ранги орқали шаклланади. Кўпчилик рангларнинг номлари тўғридан-тўғри ўша нарсаларнинг ўзларига ҳос ранглардан келиб чиққан. Масалан, олов ранг, кулранг, тилларанг ва ҳоқозо.

Рангнинг оч-тўқлиги. Хроматик рангнинг ёрқинлиги, ахроматик ранг бўлган кулрангдан фарқ қилади. Агар бирор хроматик рангга кулранг қўшилса, у хира тортиб оч-туқлиги ўзгаради.




8-расм.. Агар бирор хроматик рангга кулранг қўшилса, у хира тортиб оч-туқлиги ўзгаради.

Рангнинг учинчи хусусияти ёрқинлигидир ранг ва тусни ёрқинлиги билан солиштириб кўриш мумкин, қай бири қорароқ, қай бири ёрқинроқ. Рангга оқ бўёқ ёки сув қўшиб ёрқинлигини ўзгартириш мумкин. Ёрқинлик хроматик ва ахроматик рангларга тегишли сифатдир. Ҳар қандай хроматик рангни ёрқинлик

бўйича ахроматик рангга таққослаб кўриш мумкин. 24 рангдан таркиб топган ранглар доирасини кузатишимиз мумкин.

Ранглар одатда спектр ранглари аралашуви натижасидир. Асосан уч усули – оптик, фазовий ва механик рангларнинг оптик бирикмалари ёруғликнинг тўлқинланиш хусусиятига асосланади.

Театр ёки циркка тушганингизда кўрган рангли ёритгичлар: қизил, кўк ва яшил нурларини диққат билан кузатсангиз, уларнинг бирикуви натижасида оқ ранг пайдо бўлганини пайқайсиз(9-расм).



9-расм.Рангларни бирикуви натижасида оқ ранг пайдо бўлгани.

Рангларнинг механик бирикмалари – биз бўёқларни қоғозда мато юзасига аралаштирганимизда содир бўлади. Бунда ранг ва бўёқларнинг бир хил нарса эмаслигини аниқ билишимиз керак. Ранг оптик (физик), бўёқ эса химик хусусиятларга эга. Ранглар табиатга биз кашф этиб тўплаган бўёқлардан нисбатан бир мунча кўпдир.



10-расм. Рангларни механик бирикмалари.

Рангларнинг фазовий бирикмалари: Маълум бир масофадан унча катта бўлмаган ва бир-бирига тегиб турган учта ранг бўлаги кузатилганда рангларнинг фазовий бирикмаларини кўриш мумкин. Асар хилма-хил рангли майда суртмалар ёки майда-майда рангли нуқталар ёрдамида яратилган бўлса кузатиш жараёнида бир-бирига қўшилиб яхлит ранг бўлиб кўринади. Меъмор ҳар бир асарини яратиш жараёнида рангларнинг фазовий бирикмаларини назарда тутмоғи ва бу асар албатта маълум бир масофадан томоша қилиб кузитилишини ҳисобга олмоғи зарур.



11-расм. Рангларнинг фазовий бирикмалари.

РАНГЛАРНИ ИДРОК ҚИЛИШ ВА РАНГЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ.

Тасаввур қилинг, атроф-муҳитда барча ранглар йуқ бўлиб қолдию, биз уни оқ-қора рангда кўраётган бўлайлик. Қанчалик ғамгин, зерикарли, биз кўникмаган манзара келиб чиқади.

Шундагина ҳаётда рангларнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини пайқаб қоламиз.

Маълумки инсон ташқи маълумотни 90% ни кўриш орқали қабул қилади. Кўз эса инсон хатти-ҳаракатининг амалга ошишида 70-90% ни эгаллайди.

Кўриш аъзолари. *Биз ташқи муҳитини асосан кўз сезгиси орқали қабул қиламиз, у худди фотокамера сингари ташқи муҳитни ўзида акс этдиради. Кўриш жараёнида кўз, кўриш нервлари ва миёдаги кўриш маркази иштирок этади.*

Бу учала аъзонинг кўришдаги иштироки ранг таъсири, уни қабул қилишдаги физиологик ва физик жараёнларнинг бир бирига боғлиқлигидан далолат беради.

Бинобарин, бу жараёнлар инсоннинг психологик ҳолатининг ўзгаришидаги жараёнлар билан ўзаро ва чамбарчас боғлиқдир. Кўриш жараёни кундузи ва кечки пайт, хусусан қоронгида ҳар хил кечади.

Биз рангларни қуёш самонинг энг ўртасига чиққанда фарқлаймиз. Эрталаб ёки кечки шом пайти, албатта, масофа, ёруғликнинг ҳолати рангларни қабул қилишда фарқланишига сабаб бўлади.

Адаптация. *Кўз адаптацияси бу кўзнинг муайян шароитга кўникиши ва нисбатан шароитнинг ўзгариши жараёнига мосланишидир. Биз ёруғликдан қоронги хонага кирсак, дастлаб ҳеч нарса кўринмайди.*

Аста-секин кўзимиз хонадаги жисмларни фарқлай бошлайди ва тўла фарқлайди. Аслида хонада ёруғлик кўпаймайди.

Ёруғлик адаптацияси. *Қоронгидан ёруғликка чиққанигида кўз қамашади. Биз кўзимизни қисиб, ёруғликни кам ўтказишга ҳаракат қиламиз. Бир неча дақиқадан сўнг кўзимиз ёруғликка мослашади.*



12-расм. Қоронгидан ёруғликка чиққанигизда кўз қамашishi.

РАНГ АДАПТАЦИЯСИ.


Бизнинг нигоҳимиз бирор рангга тушиб, унда кўпроқ сақланиб қолса, ўша ранг кўзимиз учун ўз кучини йўқотади, унинг нюансларини сезмай қоламиз. Қизил ва бинафша рангларининг адаптация даври энг давомли кечади. Сарик ва яшил рангларда эса тез кўникма ҳосил қилинади. Умуман ранг адаптацияси ёруғлик ва қоронғиликка нисбатан кучсизроқ кечади. Ишхона, яшаш хоналарида ёруғликнинг нормал оқимини таъминлаш билан бир қаторда ундаги ранглар мажмуасининг ечими талаб қилинади. Чунки бу муаммоларни кишининг руҳияти, иш фаолиятларига таъсири каттадир.

РАНГЛАРНИНГ ХОТИРАДА САҚЛАНИШИ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Биз хонани кучсиз ёруғлик билан ёритсак, ундаги жисмлар ранглари ҳақидаги тасавуримиз, унинг нормал ёруғликдаги рангини онгимизда давом этишига трансформация деб аталади. Агар хонани ўта кучли ёритгич билан ёритсак, ундаги жисмлар рангини бизнинг кўриш аъзоларимизнинг коррекцияловчи қисмлари адаштириши мумкин ва юқорида айтилган трансформация ҳодисаси содир бўлмаслиги кузатилди.

Иррадиация. Биз дарахт тагидан ёруғлик тушаётган томонга қарасак, дарахт шохчалари ўзининг ҳақиқий қалинлигидан ингичка кўринади. Ёруғликдаги олдинда турадиган жисмлар иррадиация эффекти натижасида ўз ҳажмларига нисбатан кичик кўринади. Ўлчамлари тенг бўлган учта квадрат лойихалаштирамиз юқорида лойихаланган йўл-йўл квадратларнинг вертикал йўл-йўли горизонталига қараганда баландроқ кўринади.

Ўткир учли ёки доиравий ҳарфлар ҳажми бир хил бўлиб, кўриниши учун улар баландроқ, каттароқ қилиб бажарилади. доира ва учбурчак кичикроқ ҳажмда кўринмоқда.



13-расм. Қора фондаги оқ айлана ва туртбурчак қора айлан ва туртбурчакдан катта кўринади лекин уларнинг улчамлари тенг.

РАНГЛАРНИНГ ИНСОНИЯТ РУҲИЯТИГА ТАЪСИРИ.

Инсон умрининг ҳар лаҳзасида учрайдиган ранг инсонларнинг маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Чунки ранг руҳиятга ҳар дақиқада ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Ёруғлик бор жойда ранг бўлади. Чунончи кечқурун уйингизда чироқ ўчиб қолди, дейлик ҳамма жой қоп-қора зулмат бўлиб кўринади. Сиз сиқиласиз, тушкунликка тушасиз, инсонда мавҳумлик пайдо бўлади. Кўз қорачиғи катталашади, юрак ўриши ўзгаради, бу ҳолат кишиларнинг соғлиғига салбий таъсир этади. Бунинг аксини олайлик ҳар баҳорда лола сайлига чиққанингизда,

тоза ҳаводан ташқари, қир-адирларда турли рангдаги гулларни, майсаларни, мусаффо осмонни, тоғ чуққисидаги оппоқ қорларни кўриб, руҳингиз кўтарилади, ҳаётга ва табиатга бўлган муҳаббатингиз янада ошади. Шунинг учун ҳам, қадимий қўлёзмаларда ёзилганидек табибларимиз эрта баҳорда қир-адирларга саёҳат қилишни тавсия этганлар. Инсоннинг ижтимоий фаолиятида ранглардан мақсадли фойдаланилади. Чунки уларнинг инсон руҳиятига таъсири қонунийдир.

Рангларнинг инсон фаолиятидаги роли ранглар иштирокисиз тасаввур қила олмаймиз. Бизнинг кундалик ҳаётимизни қисман ранглар бошқаришини англаганимизда уларнинг моҳиятига тўғри баҳо берган бўлар эдик. Биз рангларни оптик ва эмоционал таъсири ҳақида бир оз тўхталиб ўтамиз. Чунки улар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бизга керакли таъсирчанлик хусусиятлари ҳақида маълумот беради.

Бизга чизиклар, текисликлар шунингдек, перспектив тасвирлар орқали оптик "алдаш" содир бўлиши маълум. Бундай оптик ўзгариш ёки иллюзиянинг ҳосил бўлишида рангларнинг моҳияти жуда каттадир. Сарик ранг юзани кўтариб ҳамда уни катталаштириб кўрсатади. Қизил ранг ҳам шу рангларга яқин бўлиб, у ҳам шундай хусусиятга эга, лекин у шом, ярим қоронғи пайтида қорайиб, уларга фондек бўлиб кўринади. Кўк ранги биздан узоқлашиб кўринади. Аммо ярим қоронғиликда эса у олдинги планга чиқади.

Қора, қорамтир кўк, бинафша рангларига бўялган текисликлар кўринишидан кичиклашади ва пастга тортилгандек кўринади. Яшил ранг уларнинг ичида энг турғун кўринади. Ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида ранглар хусусиятларини кўзда тутган ҳолда улардан фойдаланиш мумкин. Ранг бирикмалари эмоционал кайфият туғдиради. Чунки бизда ранг қабул қилишда кўплаб тажриба ва кўникмалар ҳосил бўлган. Аммо бу борада бирор аниқ қоидага асосланиб бўлмаса-да, ранглар ҳам хилма-хил товушлар каби онгимизда маълум ассоциатив руҳият чақиради. Масалан, қизил-олов ва қон ранги; қуёш – сарик; кўк-сув, уфқ, осмон; яшил-кенг дала, дарахтзорлар каби ассоциация уйғотиши мумкин.

Ранглар бизнинг кўриш органларимизда турларга ажратилганда уларнинг кўринишларида иссиқ ва совуқлик, хўл ва қуруқ, узоқ ва яқинлик сезгиларини ҳам уйғотади. Баъзи олимларнинг фикрича рангларнинг эшитиш аъзоларига ҳам таъсири бўлиши мумкин. Масалан, рус олими Л.А.Шварцнинг кузатиши бўйича кўзнинг яшил рангга кўникиши (адаптацияси)да эшитиш қобилиятининг ошиши, қизил ранг муҳити эса аксинча сусайтириши мумкин. Бундан ташқари рангларнинг кўриниши "оғир", "енгил" каби сезгилар ҳам уйғотади. Баъзан ранглар "қичқирувчи" деб ҳам айтилади. Албатта, бу сўз образли аташ бўлиб, рангларнинг ўта ёрқинлигини таъкидлайди.

Рангларнинг хусусиятлари ва уларнинг таъсирчанлигини куйидагича изоҳлаймиз:

Оқ	Енгил			
Сарик	-"	Иссиқ	Қуруқ	
Зарғалдоқ	-"	-"	-"	Қичқирувчи
Қизил	Оғир	-"	-"	Қичқирувчи
Бинафша	-"			
Кўк	-"	Совуқ	Нам	Тинч, оҳиста
Яшил		Совуқ	Хўл	Оҳиста
Оч кўк	Енгил	Совуқ	Хўл	Оҳиста
Малла	Оғир	Иссиқ	Хўл	Оҳиста
Қора	Оғир	Иссиқ	Қуруқ	Қисик, оғир

Комбинаторика. Ранг комбинаторикаси деб кўп тусли ранглардан уйғунлаштириб кўриниш касб этадиган ранглар гуруҳига айтилади.

Интерьер ва экстерьер ёки бошқа турдаги бадиий безаш, дастгоҳли рангтасвир каби ишларда рангларнинг қуйидаги хусусиятларини билиш, тўғрироғи ўрганиш катта аҳамиятга эгадир:

1. **Иссиқ-совуқ.** Сарик, зарғалдоқ ва қизил каби ранглар ҳамма учун иссиқ ва сифатли ранглар саналади. Бинафша, кўк, яшил ранглар совуқ ранглар сафига киради. Булар ранг доирасини икки тарафида жойлашади.

2. **Актив ва пассив ранглар.** Қизил, зарғалдоқ энг актив ранглар бўлиб, унинг қарама-қаршисида (яшил ранглар гуруҳи) пассив ранглар жойлашган.

3. **"Яқин ва ўзоқ кўринувчи ранглар".** Кундузи барча иссиқ ранглар яқин, совуқлари эса ўзоқ кўринади.

4. **"Баланд - паст" ранглар.** Энг иссиқ ранглар. "баланд", кескин таъсир қилади. Яшил, кўк ранглар тинч оҳиста паст сезилади.

5. **"Қуруқ - хўл" ранглар.** Ҳамма иссиқ ранглар қуруқ кўринади. Кўкиш яшил ранги эса ўта хўл бўлиб кўринади.

6. **Оғир ва енгил ранглар.** Ҳамма ёруғроқ, оч ранглар енгил ва қорамтир ва қора ранглар оғир кўринишли бўлади. Қизғиш ранглар кўкиш рангларга қараганда оғирроқ кўринади.

7. **Статик ва динамик ранглар.** Статик рангларга ўзаро мувозанат сақловчи бинафша, кўк, яшил ва қирмизи (пурпур) ранглари киради. Динамик рангларга қизил ва кўк, зарғалдоқ ва яшил ранглар нисбати киради.

8. **Кўзғатувчи ва хотиржамлик чақирувчи ранглар.** Яшилдан сарик тарафга, қизилдан сарик тарафга кўчган ранглар хотиржамликка чақиради(14-расм).

Сарикдан яшил тарафга тинчлантирувчи сарикдан қизил тарафга бўлган ранглар қатори эса кўзғатувчи хусусиятларига эгадир.



14-расм. Хонани жиҳозлашда рангнинг аҳамияти. Яшилдан сариқ тарафга кўчган ранглар хотиржамликка чақирувчи, тинчлантирувчи ранглар.

Меъморий полихромия композициясида одатда бирор асосий рангга бошқаларини мослаш, бошқача қилиб айтганда ҳамма ранглардан биттасини яққол кўринишига ёрдам беришига эришиш муҳим ҳисобланади. Бунда айtilган асосий ранг тоза ёрқин бўлиши, қолганларининг таркиби эса тўлдирувчи ранглардан, камроқ контрастликда бўлиши керак.

Ранг ечимда икки қутблик, яъни рангларни "совуқ", "иссиқ" гуруҳларини ташкиллаштириб композиция тузиш қулай бўлади. Чунки асосийлари иссиқ рангларда, иккинчи даражадагиларини эса совуқ рангларда, бир-бирига қарама-қарши қўйиш усули билан ечиш мақсадга мувофиқдир.

Агар биз ранг доирасида бирлаштирувчи ўқлари бир-бирига перпендикуляр қарама-қарши тўлдирувчи ранглардан икки жуфтини танласак, бу ерда тўртбурчак-квадрат ҳосил бўлиб, бу тўртала рангдан ўзаро ҳамоҳанглик ҳосил бўлади. Яъни: "тўрт ҳамоҳанглик".

- 1. Сариқ + бинафша + қизил - зарғалдоқ + кўк - яшил;**
- 2. Сариқ - зарғалдоқ + кўк - бинафша + қизил + яшил;**
- 3. Зарғалдоқ + кўк + қизил - бинафша + сариқ - яшил.**

Қолган "тўрт ҳамоҳанглик" жуфтлари тўғри туртбурчак асосида ташкиллашади.

Сариқ - яшил + қизил - бинафша; сариқ - зарғалдоқ + кўк бинафша; сариқ + бинафша+зарғалдоқ+кўк тарзида тузилган бундай ранглар ҳамоҳанглигидан меъморчиликда, рангтасвирда ва ранг билан боғлиқ ҳар қандай соҳаларда фойдаланиш мумкин. Ранглар уйғунлигини тузиш бўйича энг кўп тарқалган уйғунлаштириш тартибларидан бири ранг учлиги муносабати саналади. Бундай учлик қўшма "турлашдан" кўп соҳаларда фойдаланилади.



15-расм. Леонардо да Винчи ўзининг "Мадонна Литта" асарида учлик рангларни моҳирона фойдаланганини кўришимиз мумкин.

«Бу асар ўзининг композицион ўлчамлари, тузилишининг етуқлиги билангина ҳайратлантириб қолмай, балки нафис ранглар ҳамоҳанглигининг юқори даражада ташкиллаштирилганлиги билан ҳам кишини лол қолдиради. Бу билан у юқори эмоционал таъсирчанликка эришган. Бу картина ранг худудлари ўлчамларининг ўзаро мослашиши зарурлигининг исботидир». Рангларни ўзаро мослаштириш, уйғунлаштириш, уларнинг ёрқинлиги, оч-тўқлиги бири билан иккинчисининг ёрқинлигига таъсир қилиш йўли билан ҳамда танлаган объект худудларига ранг майдонларини бир-бирига нисбатини тўғри танлаш орқали композицион ечим ҳал қилинади.

Масалан Ранг ечими билан боғлиқ бўлган композиция тузилиши унинг мавзуси, жойи, масофаси ва функцияга (мақсад) қараб ҳал қилинади. Уч ранг ҳамоҳанглигидан фойдаланишда меъмор рангларнинг оч-тўқлиги, ёрқинлиги, ранг майдонларининг катта кичиклиги каби шартларга амал қилиши лозим. Бу билан рус олими бадиий асар яратишда ранг ечимининг моҳиятини, яъни монохроматик рангларда ҳам мақсадга эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Рангни қорайтириш ва оқартириш усулидан ташқари, тўлдирувчи рангларни қўшиш йўли билан ҳам меъморий тасвирларни чиқариш мумкин. Масалан, сариқ билан бинафша кулрангга яқин ёқимли тон беради. Бинафша кулранггача ва бу рангдан сариққача бўлган поғонадаги рангдир. Меъморчиликда кўп қўлланиладиган рангларнинг яна бир аралашмаси "нюанс уйғунлиги" деб аталади. Демак, инсон фаолиятида рангларнинг аҳамияти жуда каттадир, шунинг учун ҳам ранг танлаш илмий асосланган бўлиши ҳамда бу масалага эстетик нуқтаи назардан ёндошиш лозим.

Қора, кулранг, оқ ахроматик ранглар комбинацияси замонавий меъморчиликда орнаментлар ва кўпинча интерьер, экстерьерлар ранг ечимида ҳам қўлланилмоқда. Зеро бу аралашмалар ҳам ёқимли тон беради. Бундай ранг аралашмалари ахроматик ранглар уйғунлиги деб аталади. Меъморчиликда жуда кенг тарқалган усуллардан бири ахроматик фонда бир ёки бир неча рангларни ажратиб кўрсатиш мумкин.



16-расм. Қора, кулранг, оқ ахроматик ранглар комбинацияси замонавий меъморчиликда қўлланиши.

Текисликдаги ранглар мажмуаси фақат меъморий полихромия қонуниятларига амал қилиниб ечилган бўлса, уни уйғунлашган ранг ечими дейиш мумкин.

1. Меъморий полихромиядаги ранг ечими масаласида вақт фактори долзарб, муҳим ҳисобланади. Ўтиб кетаётган йўловчи бўялган юзаларга диққат билан қарамайди, аксинча ҳаракатда, йўл-йўлакай ўтиб кетилади

Улардаги ранглар хотирамизда кетма-кет қайтарилади. Уларнинг оч-тўқлиги, ёруғлиги, ёрқинликларининг фарқланиши ранг композициясини тузишда асосий омил ҳисобланади.

Меъморчиликдаги ранг мажмуасини ечими юқорида айтиб ўтилган рангларнинг динамик хусусиятларини ҳисобга олишни тақоза қилади. Чунки рангларнинг бу хусусиятлари психологик нуқтаи назардан олганда асосий факторлардан бири дейиш мумкин.

Кўп қаватли меъморий иншоотларнинг ҳар бир қаватидаги коридорлар, фойелар ва хоналар, зинапоя қисмидаги деворлар ранглари алоҳида, тарзда ўзига хос ҳал қилинди.

Чунки ердан қанча баландга кўтарилса шунча ёруғликнинг ердан синиб қайтарилган нурлари юқорига кам етиб боради. Ранглар таъсирчанлигига келсак, биз юқори қаватга кўтарилиш учун катта энергия сарфлаймиз, табиийки бизнинг психологик ҳолатимиз ўзгаради, чарчаш содир бўлади. Демак рангларнинг кўзғатувчи таъсирчанлигини сушлаштиришни тақоза қилади. Масалан, ранглар шкаласи яшилдан сариқ томонга ёки қизилдан сариқ томонга қараб ўзгариши мумкин.

Лойиҳалашда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур:

1. Хоналарнинг функционал аҳамияти, ўлчами табиий ёруғликка нисбатан ҳолати, қавати кабилар ранг ечимида асосий талаблардан ҳисобланади. Интерьернинг ранг ечими фақат бир умумий ранг билан бўяш билангина эмас, балки ундаги жиҳозлар, пол, шифт ва деворлар ечими ҳам комплекс ҳал қилинади.

2. Сунъий ёруғликнинг ранг тонига таъсири катта. Шунинг учун лойиҳалаш жараёнида қандай электр чироқлари билан ёритишни мўлжаллаш,

рангларнинг бу чироқларда қандай ўзгаришини олдиндан билиш зарур. Охрага ўхшаш сариқ, яъни тўқ сариқ люминесцент электр лампаси ёруғлиги таъсирида сарғиш - яшил тусга, ўрта яшил кўкиш - яшил, кўкиш ранглар бинафша тусида кўринади. Чўғланма лампа ёруғлиги таъсирида кўкиш, яшил, сарғиш яшил каби ранглар ўз тусини йўқотади ёки ажратиб бўлмас даражада ўзгариши мумкин.

3. Ранглар текисликлар ҳажмига қараб ўзгариб кўринади. Масалан, эскизда берилган рангнинг ёрқинлиги натурада майдоннинг ҳажми катталашганда унинг ёрқинлиги янада кучайиб кўринади

4. Ранг ечими меъморий иншоотнинг масштабидан, унинг ҳажми - фазовий - композициявий тузилишидан келиб чиқиб ҳал қилинади. Чунки ранглар ўзининг "оғир", "енгил" оч-тўқлик ва ёрқинлиги каби характеристикасига эга бўлиб, улар меъморий қурилманинг образли ечимига жиддий таъсир қилиши мумкин.



17-расм. Ранглар ўзининг "оғир", "енгил" оч-тўқлик ва ёрқинлиги каби характеристикасига эга.

Меъморий қурилмалар маълум бир масофадан кузатилар экан, уларнинг ранглари ўз активлигини йўқотиши мумкин. Масофа узоқлашган сари иссиқ ранглар ҳам ҳаво перспективаси қонуниятларига кўра совуқлашиб боради. Экстерьер ва интерьернинг ранг ишловини ташкил қилинишида меъморий композициянинг ўзига хослиги, текисликлар, хилма-хил юзаларнинг ўлчам нисбатлари ва энг муҳими масофага мосланиши асосий вазифа ҳисобланади.

Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар меъморчилиги меъморий композиция яратишда ранглардан юқори даражада дид билан фойдаланган. Машхур Амир Темур мақбарасини бунга мисол келтириш мумкин. Унинг ташқи тектоникасининг жозибadorлигида ранглар асосий роль ўйнайди. Бинонинг улкан гумбазига берилган кўкиш, ҳаворанг, оч-яшил кулолий ранглар унинг ҳаво билан кўшилиб, енгил кўринишини, деворларидаги ранг-баранг нақшлар эса текисликларнинг композициявий нисбатлари уйғунлигини таъминлайди. Хива, Бухоро шаҳарларининг меъморий иншоотларини Минораларнинг рангли нақшлари, пештоқларга берилган сопол безаклар, биринчидан, улардаги текислик юзалари, ҳар хил шаклий ўлчамларини ўзаро уйғунлаштиради, иккинчидан, ёнма-ён, бир ансамблни фазовий ташкил этишда ўзининг орнаментал, ранг тузилишининг хилма-хиллиги билан иштирок этади. Рангни меъморчиликдаги роли беқиёс (18-расм).



18-расм. Хива, Бухоро шаҳарларининг меъморий иншоотларини Минораларнинг рангли нақшлари, пештоқларга берилган сопол безаклари.

Бунга кўплаб мисоллар келтириш (Хива, Бухоро, Рео-де-Жанейро, Л.Этан - де Берр Франция, Ленинград, Тошкент) мумкин. Ўйлаймизки, келажакда халқ хўжалигининг барча соҳаларида, умуман инсон фаолиятида ранг гармонияси беқиёс роль ўйнайверади. Чунки инсонга табиат инъом этган борлиқни идрок этишда кўриш, рангларнинг хилма - хил "симфония"си энг гўзал туйғу, ҳислар уйғотади. Ранг муҳити тўғри ташкил қилинганда, у киши ҳаётининг асосий безовчиси сифатида қатнашади.

Havo rang	1	Havo rang va sariq
Och havo rang	2	
To'q havo rang	3	
Zangori	4	
Och qizil	5	
To'q zangori	6	
To'q ko'k	7	
Tutaqi	8	
Zumrad rang	9	
Zaynovi	10	
Bargi karam	11	
Sabzarang	12	
Och yashil	13	
Yashil	14	
To'q yashil	15	
Mosh rang	1	Sariq qizil qora
Malla	2	
To'q malla	3	
Jigar rang	4	
To'q jigar rang	5	
Qizg'ish	6	
Qo'ng'ir	7	
Kul rang	8	
Qora	9	

112. Rang tushlari doirasi.



Bodom rang	1	Sariq va qizil
Pistaqi	2	
Sariq	3	
Och sariq	4	
To'q sariq	5	
Limonli sariq	6	
Oltinsimon sariq	7	
Qovoq sariq	8	
Zarg sariq	9	
Och zarg'aldoq	10	
Olov rang	11	
To'q zarg'aldoq	12	
Qizil	1	Qizil va zangori
Och qizil	2	
To'q qizil	3	
Qirmizi	4	
Och qirmizi	5	
To'q qirmizi	6	
Gilos rang	7	
Alvon rang	8	
Binafsha	9	
Pushti rang	10	
To'q binafsha	11	

Композициядаги ранглар қонуниятлари

Композициянинг ранглар аралашмасида тартиб ўрнатиш учун, фақат ранглар қонуниятларига бўйсунган ҳолда эришиш мумкин. Ҳар бир композиция учун ранглар танланиши индивидуал бўлиши лозим.

Композицияни яратишда ўз – ўзидан қўлланган материаллар асосида рангларни қўллаш келиб чиқади. Бироқ, табиат қонуниятлари ҳам бор бўлиб, мавҳум ранглар аралашмаси деб атаймиз. Лойихалаш жараёнида биринчи навбатда рангларни ва ранглар аралашмасини, нур ва рангни, ранг ва ҳажмий шаклни, материал рангини, рангни ва унинг вазифаларини ҳисобга олиш керак. Умуман, ранг композицияси архитектуравий композицияда ўз – ўрнини эгаллаб, унинг қонуниятларига (нисбатларини, контрастини, нюансини, масштаблилигини ва ўлчамлилигини) бўйсунган ҳолда яратилади.

Ранглар уйғунлиги

Композицияларда шаклларнинг рангларини узилмаган ҳолда текислик юзаси бўйича бир хилликни сақлаб бўяш тавсия этилади. Ўзига тортувчи ва чиройли тонларни уйғунлашган тонлар деб айтилади. Композициянинг уйғунлигини таъминловчи омиллар чексиздир. Улар оддий ва мураккаб бўлиши мумкин, лекин контраст ва нюанс гуруҳларида чексизлик турлари кўпроқдир.


Контраст уйғунлик. Композицияда ишлатиладиган ранглар диапазонининг кўплиги, бир-бирига ўхшамаслиги билан ва умумий тоннинг йўқлиги билан, ранглар гаммасининг турлилиги билан, умумий бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирига зид , ҳар бир рангни кучли ён томондаги рангларга таъсири динамизми ва фаоллигига айтилади. Бу зиддиятли ҳолатга ранглар таъсирчанлиги ва иллюзион тозаллиги ошади. Бироқ бу усул катта юзаларга ранглар фаоллиги учун ишлатилади. Бу ҳолатда таъминловчи оч рангларни қўшимча қилиб киритиш тавсия этилади. Амалиётда бу ҳолатларда тез-тез оч рангли ёки тўқ рангли қўшимчаларни ишлатиб туриш керак бўлади. Уларнинг юзалар ўлчамлари ранглар тўқлигига зид бўлиши керак.

Нюанс уйғунлик. ранглар айланаси бўйича бир- бирига яқин жойлашган рангларни бирга ишлатилиши ва бир хил ранг турлари асосида

тузилган. Умумий тонлари бир хил рангларни турларини қўлланиши билан фарқланади.

Нюансли уйғунлик композициянинг кўпроқ қўлланиш турларига, оч рангларни ёруғ ранглар билан бирга ишлатилиши билан ажралиб туради. Нюансли уйғунлик фонда композициянинг урғули шакли чиройли кўриниш бериб туради.

Рангнинг хис қилиниши. унинг одамларга физиологик хаяжонлаштириши ёки уларни тушкунликка тушириш характерли таъсирланишига айтилади.



Рангларнинг асосий характеристикаси – уларнинг фаоллигида. Фаол ранглар хаяжонлантириб хаётий жараёнларни тезлаштириб, одамлар кайфиятини кўтаради. Бу рангларга биринчи навбатда, қизил ва тўқ сариқ ранглар қиради. Пассив рангларга – кўк бинафша ранглар кириб, улар қарама-қарши томонлама таъсир этади . Рангларнинг психологик таъсири ва уларнинг рамзий маънолари хақида адабиётларда кўп ёзилган. Шунини айтиш жоизки ранг таъсирини, каерда қўлланган ранглар мисолида кўриш мумкин (мисол учун деворларнинг қора рангда бўялиши мотамлик рамзини беради, автомашинанинг қорага бўялгани олий жаноблик, тантанаворлик ва олий химматлик рамзларини беради).

Ахроматик ранглар асосан, бу оқ ва қора ҳамда улардан ҳосил бўлган барча кулранг ранглардир. Кулранг ранглар чекинадилар. Рангли юзаларни иллюзион жойланиши атроф – мухит ва шар - шароитга қараб фактуралар таъсирида ўзгариши мумкин. Композицияда фазовий ранглар хусусиятини қўллаганда, ҳамма рангларининг, бир – бирига таъсир этиш характеристикаларини, уларнинг рангларини – чақирувчанлигини, фактуралигини, оғирлигини ва бир – бирига нисбатан фазовий мухитга жойланишини ҳисобга олиш керак.

Ранг ва шакл

Юқорида айтилганидек, композиция шаклларига фазовий мухитнинг жойлашишига қараб, шаклларни фактурасига қараб ранглар таъсири каттадир. Ранглар ёрдамида биз шаклнинг геометрик формасини, ўлчамларини шаклнинг таъсирчанлигини билиб оламиз. Ранглар ёрдамида шунингдек шакллар асосий қисмини яшириб, иккиламчи қисмини бўрттириб кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, ранг шакл ўлчамларини, геометрик тузилишини тассавурда иллюзиорли ўзгартиради. Ранглар ёрдамида фазовий мухитни шаклга ёки шаклни фазовий мухитга бўйсундиришига, ўртасида тенг ҳуқуқлилиқни яратиши мумкин. Ранг ёрдамида шакллар ичида битта шаклни ажратиб, қолган шаклларни унга бўйсундириш ёки шу шаклни шакллар орасига сингдириш мумкин. Ранглар ёрдамида шакллар гуруҳини фазовий мухитга жойлаштириш, уларнинг шу фазовий мухитга уйғунланишини таъминлаши мумкин. Кичик меъморий шаклларни сал очроқ рангларда бўялиши билан, бу шакллар улуғворлигини камайтириб томошабинларда енгил таассурот уйғотиш мумкин, тўқ рангларни ишлатганда – аксинча таъсир этиши мумкин.

Рангларни одамлар ҳис туйғусига таъсири қўйидагича аниқланади.

-позитив (қувноқ, ёқимли, хушёр, ҳаракатчанлилиқ);

-негатив (ғамгинлилиқ, зерикарли, мотамсаро, ҳаяжонли);

-нейтрал (тинч, вазмин, босиқ, лоқайд).

Ранглар таъсирини , хусусиятларини ва характеристикаларини билиш бўлажак архитекторлар учун келажакда фазовий мухитга кичик меъморий шаклларни лойihalаш ва тадбиқ этиш жараёнларида, имжодий ишларни енгиллаштиришига аминмиз (1 – жадвал).

1-жадвал

Ранглар характери с тикаси	иллик	совуқ	енгил	оғир	чекина диган	ажралиб турадиган	тўлқинлан тирувчи	маюслан тиручи	тинчлан тирувчи
Спектраль:									
қизил	+			+		+	+		
тўқсарик	+					+	+		
сарик	+		+			+	+		
сарик- яшил	+		+						+
яшил		+			+				+
кўк яшил	-	+	+		+				+
зангори		+	+		+				+
кўк		+		+	+				
бинафша		+		+	+			+	
тўқ-қизил	+			+		+	+		
Ахроматик									
оқ			+						
оч- кулранг			+						
тўқ- кулранг				+				+	
қора				+				+	

Композицияни бўяш.

Ўқувчилар олган сабоқларини амалий дарсларда қўллаб, қанчалик композициялар ва ранглар хақида тушунчага эга бўлганликларини ва уларни хажмий композицияни бўяш машқларини бажаришлари учун кўллашлари керак бўлади. Композицияга ранглар таъсири ва уларнинг ранглар таъсирида ўзгаришларини топширилган машқлар асосида ўқувчилар ўзларини махоратларини кўрсатишлари керак бўлади.

Бу машқларни бажариш учун юқорида айтилган ашёлардан ташқари яхши кесадиган асбоблар пичоқ, қайчи ва кичик деталларни ясаш учун пинцет, елимланган коғозларни тутиб туриш учун турли қискичлар керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. “Архитектуравий лойихалаш асослари” ўқув қўлланма – Т., ТАҚИ.
2. Уралов А.С., Рахимов А.Қ., Саидова В.А. “Архитектуравий композиция ва лойихалаш асослари” ўқув қўлланма – Самарқанд, СамДАҚИ, 2005.
3. Розикбердиев М. Кичик архитектура шакллари, Т., ТАСИ., 1995 й.
4. Наглядные альбомы студенческих работ выполненные на кафедре «Истории и теории архитектуры» ТАСИ, 1980-2002 гг.
5. Тосунова М.И., Гаврилова М.М., Полещук И.В. “Архитектурное проектирование” Москва.
6. Уралов А.С., Рахимов А.Қ., Саидова Б.А. “Архитектуравий композиция ва лойихалаш асослари” Самарқанд - 2005.
7. Голубева О.Л. “Основы композиции” Москва – 2001.